



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

2016 йил “21” май

№ 204

Тошкент ш.

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университетининг
Уставини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 152-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида”ги Низомга мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори (Ш.Сирожиддинов)га:

мазкур Уставни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминлансин;

давлат рўйхатидан ўтказилган Уставнинг асл нусхаси вазирликка тақдим этилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.б.



М.Иноятов

060312